

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖИ КАТТА НАТИЖАЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 1 июль куни рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва телекоммуникация соҳаларидаги режалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожини учун яратилган кенг имкониятлар катта натижалар олиб келди. IT-парк резидентлари 2 минг 800 дан ошди, хорижий компаниялар 752 тага етди. Бу соҳада 40 минг нафар ёшлар юқори даромад тояпти.

Охириги 5 йилда соҳа экспорти 170 миллион доллардан 1 миллиард долларга яқинлашди. Интернет тезлиги 7 баробар, мобил интернет эса 4,5 баробар ошди. Ўтган йили соҳадан стартапларга 70 миллион доллар венчур инвестиция киритилди.

Буларнинг натижасида “Глобал стартаплар индекси” рейтингда Ўзбекистон 12 поғона юқорилаб, “ТОП-100”ликка кирди. Ўтган йили “Сунъий интеллектта тайёрлик” халқаро индексида юртимиз 17 поғона кўтарилиб, Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Ўзбекистон телекоммуникация соҳасининг ўсиш суръатлари бўйича МДҲ мамлакатлари рейтингидан биринчи ўринни эгаллади.

Бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, келгуси йилда давлат хизматларини рақамлаштиришни 70 фоизга, IT хизматлари миқдорини 100 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. “Электрон ҳукумат ривожланиш индекси”да камида 55-ўринга кўтарилиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қатор ҳужжат лойиҳаларни ишлаб чиқилган.

Тақдиротда ушбу лойиҳалар ва тақдирлар муҳомада қилинди.

ЎЗА

СПОРТЧИЛАРНИ ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИГА МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, 2024 йилда Парижда ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида ҳар икки йўналишда 13-ўринни эгаллаган эди. Жорий йил 13 февралда бўлган видеоселектор йиғилишида юртимизда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, келгусидаги мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш вазифаси қўйилган. Шунга мувофиқ, 2028 йилда АҚШнинг Лос-Анджелес шаҳрида бўладиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига тайёргарлик бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қарор билан 10 та устувор вазифа белгиланмоқда. Булар — спорт турларини устувор, истиқболли ва ривожланаётган тоифаларга ажратган ҳолда кучайтириш, натижадор спорт турлари географиясини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни қуйи бўғиндан бошлаб шаффоф усулда саралаб олиш, хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланган миллий методика яратиш, терма жамоалар учун аниқ мақсад ва натижадорликка йўналтирилган ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кабилариди.

Шунингдек, Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури ва мақсадли кўрсаткичлар белгиланмоқда.

Бу соҳадagi ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия қўмитасининг 14 та ҳудудий бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус вакили бўлади. Ҳар бир ҳудудга Спорт вазирлиги ва Олимпия қўмитасидан масъуллар бириктирилади.

Асосий мақсад фақат битта Олимпиада эмас, доимий ва мустаҳкам замин яратишдир. Иқтидорли спортчиларни энг қуйи бўғиндан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақаси йўлга қўйилади. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида “Президент Олимпиадаси” сифатида ўтказилади. Ҳалиб ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёрланади.

Республика олимпия ва паралимпия марказининг фаолияти миллий терма жамоалар заҳирасини яратишга қаратилади. Унинг таъминоти 2026 йилдан бошлаб республика бюджетига ўтказилади. Марказ 8-11-синфлар учун мактаб, 1-2-курслар учун коллеж сифатида фаолият кўрсатади ҳамда қабул квотаси оширилади. 1-2-курс ўқувчиларига Спорт вазирлиги стипендияси берилади. Ўқув-машғулотлар ўтказиб бориш учун Олимпия шаҳарчаси иншоотлари марказга бера-раз асосда бириктирилади.

Шунингдек, атлетлар заҳирасини кенгайтириш мақсадида хусусий спорт клублари фаолияти такомиллаштирилиб, расмий мусобақалардаги иштироки таъминланади. Юқори натижа кўрсатган спортчилар миллий терма жамоаларга қабул қилиниши мумкин бўлади.

Спортчи ва мураббийлар учун кўплаб рағбатлар ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндорлари олий ҳарбий таълим муассасаларига тўғридан-тўғри қабул қилинади. Мақоратли спортчиларни бошланғич бўғинда етиштирган мураббийлар учун ҳам устамнинг муайян қисми тўлаб берилади.

Давлатимиз раҳбари спорт федерациялари фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳудудларда соҳа инфратузилмасини яхшилаш, спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2-4 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, 2-3 июль кунлари Боку шаҳрида Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши ва бошқа олий даражадаги тadbирлар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперация ва алмашинувларни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Президенти 4 июль куни Хонкенди шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этади ва қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиши.

ЎЗА

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САЊАТ ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Давлатимиз раҳбарига тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга оид қарор лойиҳаси ҳақида ахборот берилди.

Бу соҳалар халқимиз маданиятининг, ёшлар тарбиясининг ажралмас қисми. Лекин илгари, ўнлаб йиллар давомида рассомлар эътибордан четда қолган. Шу боис, Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу масалага тўхталиб, мутасаддиларга кўрсатма берган эди.

Лойиҳага кўра, 2026-2027 йилларда инвестиция дастури доирасида Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар зали ва фонди биносини реконструкция қилиш, Тошкент фотосуратлар уйида Мультимедиа маркази ташкил этиш режалаштирилган.

Энг муҳими, санъатсевар ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилади. Жумладан, Бадий фонд ҳудудда замонавий галерея ҳамда 40 та ижодий устхонадан иборат Ёш рассомлар маркази барпо этилади, Шарқ минатюра санъати музейида ўқув-ишлаб чиқариш устхонаси ташкил қилинади. Беньков номидagi рассомлик мактаби таъмирланиб, 400 ўринли қўшимча ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона қурилади.

“Устоз-шогирд” тамойили асосида ёш қаламкашларни тарбиялаб келаётган тажрибали рассомлар қўшимча рағбатлантириб борилади. Ҳар йили танлов асосида энг истеъдодли ижодкорлар хорижий мамлакатларга тажриба алмашишга юборилади.

Камолиддин Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институтида таълим сифатини ошириш чоралари кўрилади. Бу ерда илғор хорижий ўқув режа ва дастурлар босқичма-босқич жорий этилади. Профессор-ўқитувчиларнинг муносиб бадий асарлари илмий монографияга тенглаштирилади. Шунингдек, бу институтни битирган мутахассисларга мактабларда тасвирий санъат фанидан дарс ўтишга рухсат берилади.

“Янги Ўзбекистон манзаралари”, “Тарихий алломодалар” ва “Замон қаҳрамонлари” туркумидан ижодий асарларни давлат бюртмаси асосида яратиш тизими йўлга қўйилади.

Президентимиз ҳудудларда ҳам рассомлар учун шароитларни яхшилаш, ёшларни тасвирий ва амалий санъатта жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТАДИГАН ОЛТИН АВЛОД

ЁХУД ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМНИ КУЗАТИШ АСНОСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР



Ёшлар куни нафақат ёшлар интиқиб кутадиған, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланган сана. Чунки шу куни Президентимиз айнан баркамол авлод вакиллари билан учрашиб, улар билан фикр алмашади, мамлакатимиз келажакига оид қўллаб масалалар, ташаббусларни ўртага ташлайди. Таъбир жоиз бўлса, шу куни мамлакатимизда ёшларга оид юритилаётган сиёсат натижалари таҳлил қилиниб, келгуси ишлар режалаштириб олинади.

Ёшлар куни жорий йилда ҳам кўтаринки руҳ ва кайфият билан қарши олинди. Гарчи Тошкентдаги Халқаро конгресс марказига давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган тантанали тadbирда энг илғор ёшларнинг айримлари жамланган бўлса-да, кун кайфияти бутун юртимиз бўйлаб ёйилди.

► Давоми 3-бетда

МАТОНАТДАН УШАЛГАН ОРЗУ

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ — ЯНГИ УЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛГАН ФОТИМА САИПОВАНИНГ ОИЛАСИДА КАТТА БАЙРАМ

Давлатимиз раҳбари иштирокида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган учрашувдаги бир ҳолат тadbир иштирокчилари ҳамда мулоқотни кузатиб борган миллионлаб қалбларга ҳаяжон тақдим этди. Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпиони Фотима Саипова ва унинг яқинлари кўнглидаги азалий орзу бир лаҳзада рўёбга чикди.

► Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2-4 июль кунлари давлат ташрифи билан Озарбайжонда бўлади ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этади.

Озарбайжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт синовидан ўтган ишончли стратегик ҳамкоридир. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1995 йил 2 октябрда ўрнатилган. Ўшандан буён ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида изчил ривожланиб бораётган икки томонлама



мулоқот стратегик шериклик ва иттифоқчиликнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг дўстона ва ўзаро мустаҳкам ишончга асосланган муносабатлари мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

► Ифтихор

► Давоми 2-бетда

ТОЛЕИМГА БИТГАН ҚАШҚАДАРЁСАН!..

Оптоқ насибадир тоғларингда қор,
Бозиндан ранг сўраб баҳор хат йўлар.
Боксанг, ҳар бир дилда фахру ифтихор,
Азиздир дала-дашт, биёбон-чўллар.
Кўнглимни тўлдирган сарин сабосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..*

Ҳалоллик ҳосили доим хушхабар,
Кимга Тангри ёрди, билмас заволлар.
Ҳақ йўли қўрсатар маъшарға қадар,
Ҳазрат Ижанағий, Амир Қулоллар,
Зафар тузларини тутган — дуосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Оламда шундайин эллар ҳам борки,
Орзу қилиб яшар буюк султонни.
Шукурлар айлайин, ҳақ-толе ёрки,
Бешигин тебратдинг Соҳибқиронни.
Куч — адолатдодир, мангу садосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Меҳру муҳаббатлар бериб исломга,
Меҳру муҳаббатга бўлдинг сазовар.
Диллар тўлиб кетди нурли каломга,
Қўйдинг истиқлолга ўзинг пойдевор.
Истиқболи буюк юртсан, маъвосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Ортидан юрсанг гар улуг зотларнинг,
Буюк манзилларга етгайсан бориб.
Йиғмон бут элнинг пешонасига,
Битилган саодат — Абдулла Ориф.
О, йиллар армони — қутлуг нидосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Бир куй келаетир Ҳисор ёқлардан,
Қанчалар ўтлиздир, шунчалар нафис.
Булбуллар уйғонгай мунис оҳлардан,
Куйлайвер, Замира, Аслиддин ҳофиз.
Сен шундай бетакор қуйсан, навосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Тупроғу гардларинг кўзга сурарман,
Майсано гиёҳинг бошим узра тож.
Мангу Қашқадарё бўлиб юрарман,
Сен обихаетсан, мен сенга муҳтож.
Мисли Одам Ато, Момо Ҳавосан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Қашқадарё — азиз, шавкатли диёр,
Сени десам қўзим ўнгида жаҳон.
Бағринда ҳар бир ёш шоду бахтиёр,
Буюк келажакдан хушхабар — нишон.
Янги Ўзбекистон — янги дунёсан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

Мард, тантми, баҳодир эрлар, ўғлонлар,
Аёллар қалбиди севги-садоқат.
Мусаффо осмонлар, ғўзал замонлар,
Тинч юртга байрамлар ярашгай фақат.
Юртсевар дилларга нурсан, зиесан,
Толемма битган Қашқадарёсан!..

► Файрат МАЖИД

*Устоз Абдулла Орипов сатри



Велоспорт кишига ирода, сабр ва мақсад сари интилишни ўргатади. Энг муҳими, Фотима ўзига ишончни мустаҳкамлай олди. “Асосийси — кўрқмаслик. Биринчи қадамга кўп нарса боғлиқ. Агар чин дилдан меҳнат қилсангиз, шуғуллансангиз, натижа албатта бўлади”, дейди у.

МАТОНАТДАН УШАЛГАН ОРЗУ

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ — ЯНГИ УЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛГАН ФОТИМА САИПОВАНИНГ ОИЛАСИДА КАТТА БАЙРАМ



Бошланиши 1-бетда

Ёшлар куни арафасида ёш авлод-ни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда ўзининг юксак азму шижоати, ижодий ва интеллектуал салоҳияти, истеъод ва қобилиятини намоеъ этиб, ҳалол ва самарали меҳнати, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан юртимиз таракқиётига, халқаро оёрў-эътиборини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ташаббускор ва

2025 йил февралда Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Ғалабага муносиб ҳисса қўшганлар орасида Фотима Саипова ҳам бор эди — у Т1 тоифасида энг яхши натижани қайд этга чикди.

— Велоспортга қизиқишим бир неча йил олдин бошланган, — дейди чемпион қиз. — Бу бир қарашда осон туюладиган, лекин жуда ҳам ирода ва меҳнат талаб қиладиган спорт тури. Илк бор 2019 йили расмий мусоба-

— ДИЛБАНДИМ МЕНИНГ ФАХРИМ, — ДЕЙДИ ФОТИМАНИНГ ОНАСИ НИЛУФАР ОПА САИПОВА. — ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАН ОЛМАЙДИ, ДОИМ ҲАРАКАТДА, ЎЗ УСТИДА ИШЛАБ ЧАРЧАМАЙДИ. МАНА НАТИЖАСИ, МАШАҚҚАТЛИ МАШҒУЛОТЛАРИ ОРТИДАН ОИЛАМИЗ АЗАЛИЙ ОРЗУСИГА ЕТИШДИ. АВВАЛО, БУНИНГ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИГА ЧЕКСИЗ МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМАН. ОИЛАМИЗ НОМИДАН ЭРТАЮ КЕЧ ДУОДАМИЗ.

етақчи ёшлар тақдирланади. Жорий йил шундай ёшлар қаторида Фотима Саипова ҳам “Келажақ бунёдкори” медали билан мукофотланган эди.

Ана шу нишонни топишриш жараёнида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз шазинни халқаро арена-ларда муносиб ҳимоя қилаётган параспортчи қизимизни бағрига босиб табриклади. Сўнг Ўзбекистон етакчиси Фотиманинг шуғулланиши учун барча шароитлар етарли экани, аммо уйи йўқ эканини айтиб, уни ту-рар жой билан таъминлашга қарор қилди. Бу бўйича Тошкент вилояти ҳокимиға топишриқ берилди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Ёш-лар куни арафасида Президентимиз бундан кейин ҳам қизларнинг таъ-лим олиши, даромад топиши, ша-роитларини яхшилаш борасидаги ишлар давом этирилишини таъкид-лаган эди. Жумладан, оғир шароит-га тушиб қолган, уй-жойға муҳтож қизлар учун ижтимоий уйлар қури-лиши, соғлиги тудайли ишга қатъий олмайдиган қизларнинг яшаб турган хонадонда масофавий иш билан таъминланиши чоралари қўрилиши белгилаб олинган эди. Мазкур қарор эса сўз ва амал бирлигини намойиш қилди.

Фотима Саипова — Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси аъзоси, Т1 тоифасидаги велоспортчи, қўл-лаб халқаро мусобақаларда мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилиб ке-лади. Жумладан, ўтган йили январда Австралидада ўтган “Париж — 2024” Олимпиадаси йўлнамаси учун би-ринчи босқич саралаш баҳсларида бронза медални қўлга киритди. Бу мамлакатимизнинг паравелоспед шоссе йўналишида биринчи нфузули медали эди.

қаларда иштирок этдим. Дастлабки натижаларим маҳаллий миқёсда эди, бу мени қаноатлантирмади. Кейинча-лик устоз ва жамоа ёрдамида хал-қаро мусобақаларга тайёргарлиқни бошладим. Энг катта бурилиш 2024 йилдаги жаҳон кубогида бронза ме-дални қўлга киритишим бўлди.

Унинг сўзларига кўра, велоспорт кишига ирода, сабр ва мақсад сари интилишни ўргатади. Энг муҳими, Фотима ўзига ишончни мустаҳкамлай олди. “Асосийси — кўрқмаслик. Би-ринчи қадамга кўп нарса боғлиқ. Агар чин дилдан меҳнат қилсангиз, шуғул-лансангиз, натижа албатта бўлади”, дейди у.

Давлатимиз раҳбари топишриги билан кеча Чирчиқ шаҳрида барча шароитлари мавжуд янги уйнинг ка-литини топишриш маросими бўлиб ўтди. Ҳа, шу пайтатча шахсий бошпа-наси бўлмаган спорт юлдузи Фотима Саипова оиласи Президентимиз эъти-бори тудайли ўз уйига қўчиб кирди.

— Дилбандим менинг фахрим, — дейди Фотиманинг онаси Нилуфар опа Саипова. — Имконияти чеклан-ганини ҳеч қачон тан олмайдми, доим ҳаракатда, ўз устида ишлаб чарча-майди. Мана натижаси, машаққат-ли машғулотлари ортидан оиламиз азалий орзусига етишди. Аввало, бунинг учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдираман. Оиламиз номидан эртаю кеч дуода-миз. Бу қизимнинг жасорати, мато-нати, сабр-қаноати эвазига берилган ҳаққоний баҳо. Юртимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ин-сон қадрини хар нарсадан устун экани-га яна бир далилдир.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК

Бошланиши 1-бетда

2022 йилда Стратегик шериклиқни чуқур-лаштириш ва кенг қамровли ҳамкорлиқни ри-вовжлантириш декларацияси ҳамда 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома каби ҳужжатларнинг имзоланиши билан икки томонлама муносабатлар тарихида мутолға янги саҳифа очилди.

Мунтазам ташрифлар ва олий даражадаги уч-рашувлар ҳамкорлиқнинг барча йўналишларида юқори суръатларни белгилаб, ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилипти. Президент Илҳом Алиевнинг 2022 йил июнь ва 2024 йил август ойларида Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифлари, шу-нингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил август ойда Озарбайжонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлардаги муҳим воқеа-лар бўлди. Ушбу ташрифлар давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика ва ма-данний-гуманитар соҳаларни қамраб олган ўнлаб шартномалар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжонда бўлиб ўтган кўп томонлама турли форумларда, жум-ладан, Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳи ва 2023 йилда БМТнинг Марказий Осиё икти-содиётлари бўйича махсус дастури (СПЕКА) саммитларида, Туркий давлатлар ташкилоти ва БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конферен-циясида (COP29) қатнашди.

Ўз навбатида, Озарбайжон етакчиси 2022 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар таш-килоти ва 2023 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитларида иштирок этди.

2025 йилнинг 10-11 июнь кунлари Озарбай-жон Бош вазири Али Асадов расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди ва унинг доирасида тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми-да қатнашди.

Икки давлат ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик очиқ ва конструктив мулоқот тамойилларига асосланган. Мамлакатларимиз ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги мунтазам маслаҳатла-шувлар, БМТ, Қўшилмаслик ҳаракати, ТДТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳам-корлик ташкилоти ва бошқа минтақавий ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги яқин шерик-лик минтақавий ва глобал ривожланишнинг қўллаб қўлловчи масалалари бўйича Ўзбекистон ва Озарбайжон позицияларининг ўхшашлигини тасдиқлайди.

Кун тартибидида Иқтисодий ҳамкорлик таш-килоти (ИХТ) доирасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон 1992 йил 28 ноябрда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди ва мазкур тузилма доирасида бошқа давлатлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Савдо-ик-тисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, жаҳон бозорида рақобатбардошлиқни ошириш, хорижий шериклар билан ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш, минтақада янги транспорт йўлакларини яратиш, ривожланти-риш ва улардан самарали фойдаланиш халқаро ҳамкорлиқнинг энг муҳим йўналишларидандир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ИХТнинг фаол иштирокчиси сифатида логистика йўлак-ларини, савдо-инвестиция платформаларини ривожлантириш ва минтақада барқарор та-раққиётга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сураётгани, улар фаол қўллаб-қувватла-нётгани ва муваффақиятли амалга оширилаёт-ганини алоҳида таъкидлаш лозим.

ИХТ доирасида Ўзбекистон ва Озарбайжон самарали ҳамкорлиқни намойиш этиб, бир-бирининг ташаббусларини изчил қўллаб-қув-ватлаб, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга

ҳисса қўшапти, бу эса икки томонлама кун тар-тибини мазмунан бойитмоқда. Ўтган саккиз йил давомидида энг олий ва юқори даражадаги 150 дан ортиқ ташриф амалга оширилди.

Икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва барқарор мазмунли давлатлараро алмаши-нунвнинг муҳим бўлини бўлган парламентлараро мулоқот буни яққол намоеъ этмоқда. Шунинг-дек, икки давлат парламентларида фаолият юри-таётган дўстлик гуруҳлари ўзаро ишонч, сиёсий мувофиқлиқни мустаҳкамлаш, кенг қўламли ташаббусларни амалга оширишда қўшма ёнда-шувларни ишлаб чиқишга хизмат қилаётир.

Идоралараро даражадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Икки мамлакат Ташқи иш-лар вазириликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиб, транспорт маъмуриятлари даражасида яқин мулоқотлар олиб борилмоқда, савдо-иқтисодий алоқалар, саноат кооперацияси мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон мос равишда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда йирик

бирга, томонлар келгуси йилларда уни бир неча баробар оширишга интиломоқда. Бунга мамла-катлар ўртасида ўрнатилган эркин савдо режими ва жорий йилнинг июнь ойда Бокуда сўнгги йигилиши бўлиб ўтган ҳамкорлик бўйича Ҳуку-матлараро қўшма комиссия яқиндан кўмаклаш-моқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир. 2023 йил февраль ойда Тошкентда Биринчи Ўзбекистон — Озар-байжон ҳудудлараро форуми бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича Самарқанд ва Ганжа, Хива ва Шуша, Бухоро ва Ланкоронь, Қўқон ва Шеки шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик меморандум-лари имзоланди. 2024 йил май ойда Озарбай-жоннинг Губа шаҳрида II Ҳудудлараро форуми ўтказилди. Мазкур анжуман якунида Наманган ва Мингечевир, Гулистон ва Фузулий, Термиз ва Билясувар шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ало-қалари ўрнатилди. Бундан ташқари, 2024 йил август ойда Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-



иқтисодий салоҳиятга эга давлатлар саналади. Бу уларни иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқ-ни чуқурлаштиришга интилаётган иқтисодий жиҳатдан истиқболли ҳамкорларга айланти-ради. 2020 йилда Ўзбекистон — Озарбайжон ишбилармонлар кенгашининг ташкил этилиши бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур платформа ўзаро манфаатлар кесилган янги нуқталарни аниқлаш имконини берди ва фой-дали сармоявий, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Шунингдек, Озарбайжон капитали иштиро-кида савдо, машинасозлик ва металл ишлов бериш, молия ва сугурта, кўчмас мулк олди-сот-диси, энергетика, хизмат кўрсатиш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва бошқа йўналишларда фаолият юритаётган 250 дан ортиқ корхона Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Озарбайжонда “UzAuto” автомобиль йиғиш заводининг очилиши саноат кооперациясининг эркин мисолларидан бири бўлди. Мазкур ло-йиҳа Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтирди ва Озарбайжонда янги иш ўринла-ри яратди. Шу билан бирга, агросаноат, тўқима-чилик саноати, логистика соҳаларидаги коопе-рация ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳар икки давлат ҳам Транскаспий йўналиши лойи-ҳалари орқали транзит салоҳиятини самарали фойдаланиш, шунингдек, транспорт стратегия-ларини интеграциялашувдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2024 йил якуни-га кўра, 250 миллион доллардан ошди. Шу билан

форум доирасида Жиззах ва Губа, Шахрисабз ва Бейлаган ўртасида бирдорлашган шаҳарлар тўғрисидаги муносабатларни ўрнатиш ҳақидаги баённомалар имзоланган.

2025 йил июнь ойда Боку шаҳрида III Ҳудудларо форум бўлиб ўтди. Шунингдек, икки давлат ҳудудидида энг истиқболли лойи-ҳаларни молиялаштириш мақсадида 2023 йил-да устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон — Озарбайжон қўшма инвестиция компанияси ташкил этилди.

2024 йил 22 август куни Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи арафасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Озарбайжон бизнес форуми бўлиб ўтди. Натижада шаҳар-лар инфратузилмасини ривожлантириш ва қуриш, янги логистика марказлари, таълим муассасалари, ҳамкор мамлакатларда тармоқ биришмаларининг ваколатхоналарини таш-кил этиш бўйича икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг буюк аж-доқлари — Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ни-зомий Ганжавий, Носириддин Тусий, Муҳаммад Фузулий мероси нафақат туркий тили халқлар, балки бутун инсоният мулкидир. Уларнинг меҳ-нати мамлакатларимиз халқлари томонидан юк-сак эъзозланаётгани Бокуда Алишер Навоий, Тошкентда эса Низомий Ганжавий ва Ҳайдар Алиев ҳайкали ўрнатилгани, Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон давлат педагогика уни-верситети, Озарбайжондаги қишлоққа Алишер Навоий номи берилгани ҳам шундан далолат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2023 йилда Фузулий шаҳрида Мирзо Улуғбек

Нигар АРПАДАРАИ, Озарбайжон Миллий Межлиси аъзоси:

— Дастлабки мазкур форум ҳар икки давлат ва парламентларимиз учун ало-ҳида аҳамиятга эга. Бугун биз бир қа-тор муҳим мавзулар, жумладан, халқа-ро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва “яшил ўтиш” билан боғлиқ масала-ларни муҳокама қилдик.

Маълумки, бир неча ой олдин бутун дунё диққати Озарбайжонда бўлиб ўтган COP29 конференциясига қаратилган эди. Натижада асосий қарор сифатида иқлимни молиялаштириш бўйича ҳужжат қабул қилинди. Бу катта масъулият ва Озарбай-жоннинг халқаро майдондаги роли эътирофидир.

Бехтиёр АЛИЕВ, Озарбайжон Миллий Межлиси депутати:

— Бу Ўзбекистон-га биринчи ташрифим. Мамлакатларимиз ўрта-сида юқори даражадаги ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилган. Буни давлатларимиз раҳбарлари ўрта-сидаги самийий ва ишончли муносабатлар ҳамда ўзаро ташриф алмашинувларининг самараси деб биламан.

Хива миний йиллик тарихга эга шаҳар, шунингдек, ушбу кент бутун туркий дунёнинг маданий маркази-дир. Туркий халқлар қавилларининг бу ерда бўлиши катта шараф.

Парламентларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни ри-вовжлантириш мамлакатларимиз ва халқларимизнинг янада яқинлашувига хизмат қилади. Бундай форум-да иштирок этишни Ўзбекистон — Озарбайжон му-носабатлари тарихида янги саҳифанинг бошланиши дейиш мумкин.



Хива шаҳрида “Янги имкониятлар сари: мулоқотдан ҳамкорликдаги ҳаракатларгача” мавзусидаги Биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон парламентлари форумида Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари аъзолари ҳамда ёшлар парламентлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Озарбайжон Миллий Межли-си Раиси Саҳиба Гафарова халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва бирдорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини, Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг сайё-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳам-корлик ва иттифоқчилик даражасига қў-тарилиганини алоҳида эътироф этди.

Форумда дўстлик гуруҳлари фаоли-ятини кенгайтириш, уларни парламента-ларо комиссиялар даражасига олиб чи-

қиш, қўшма қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқиш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иқтисо-диёт, таълим, соғлиқни сақлаш, рақамли трансформация ва экология каби устувор йўналишларда ҳамкорлиқни ривожланти-риш каби масалалар муҳокама қилинди.

Форум якунлари бўйича амалий так-лифларни ўз ичига олган Хива деклара-цияси қабул қилинди.

Миллий Межлис депутатлари Хива-даги Биринчи Ўзбекистон — Озарбай-жон парламентлараро форуми ҳақида ўз фикрларини билдирди.



Али ГУСЕЙНЛИ, Озарбайжон Миллий Межлисининг Ҳуқуқий сиёсат ва давлат қурилиши кўмитаси раиси:

— Ўзбекистон бизни қўллаб-қув-ватлашмоқда, айниқса, етакчиларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам-корлиқни ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилипти. Бизнинг вазирамиз бу йўналишни парламент да-ражасида давом эттиришдан иборат.

Янги Конституция қабул қилинаёт-ганда ҳам шу ерда бўлиш бахтига муяс-сар бўлдим ва ҳуқуқшунос сифатида бу жараян билан яқиндан танишдим. Ишон-чим қомилки, қонунчилик соҳасида қўп-лаб йўналишларда ҳамкорлик учун юқо-ри салоҳият мавжуд.

Озарбайжон Европа Кенгаши аъзоси, қўллаб халқаро ташкилотлар иштирок-

чиси ва қатор парламент биришмалари раис сифатида Ўзбекистон билан гло-бал платформаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ишончим қомилки, мазкур форум ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш-га туртки беради ва биз бир-биримизни янада фаол қўллаб-қувватлашда давом эта-миз.



Муса ГУЛИЕВ, Озарбайжон Миллий Межлисининг Меҳнат ва ижтимоий сиёсат кўмитаси раиси:

— Озарбайжон ва Ўзбекис-тон бир гиламдаги нақшлар, муштарак туркий илдишлар, ма-даният, дин ва географик яқин-лик билан боғланган халқлар-дир. Буларнинг барчаси бизни янада кучлироқ бириштиради.

Туркий давлатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон ва бутун минтақа халқларининг бирлигини мустаҳкамлаш зарур. Бугунги форум янада жиқлашши, бирдамлик ва умумий келажақ мавзусида бў-либ ўтгати.

Дўстлигимиз янада мустаҳкамланиши керак. Бу фақат икки давлат президентлари ва парламентларининг иши эмас, айна пайтда ҳар биримизга тегишли. Биз бирдорлар-дек бир-биримизнинг муваффақиятларимиздан чин дилдан қувонамиз ва бу муваффақиятлар Ўзбекистонга ҳам, Озар-байжонга ҳам қувонч бағишлайди.



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Биринчи ҳолат. Маросимнинг иккинчи қисми “Ўзбекистон” анжуманлар саройида ташкил этилди. Ишончли яқин жойлашгани боис, мазкур сарой ёнидан ҳар кунни ўтказишда Салобатли иншоотда маҳаллий ва халқаро тадбирлар мунтазам ташкил этиб турилади.

Байрам муносабати билан бўлиб ўтган тадбир бошланиши арасида атрофни бир оз кузатдим. Галдаги тадбир бошқариладан бир жиҳати билан ажралиб турди, яъни таъриф бюрувчиларнинг аксарияти янги Ўзбекистон келажиги — ёш йигит-қизлардан иборат эди. Улар байрам баҳонасида мақсадлари, орзу-истаклари рўйи йўлидаги ишларни самарасини, бу йўлда келгусида амалга оширилиши зарур ишлар, режаларни шахсан давлат раҳбаридан эшитиб, мулоқот қилиш имконига эга бўлганидан мамнун эди.

Тадбирда Президентимиз ёшлар келажигига дахлдор қўллаб қўйиш, истиқболли ва манфаатли тақлиф ҳамда ташаббусларни илгари сурдики, улар нафақат навқирон авлод вакиллари мамнун этди, балки мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилиши билан ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшларини ушбу қўлгў аёми билан таъриқлаб, меҳр ва ишончини билдириш баробарида улар қўлга киритаётган ютуқларини ҳам эътироф этди. Илгори ёшлар номини бирма-бир санаб, уларнинг ота-оналари, устозларига алоҳида ташаккур билдирди.

— Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги

тарих яратадиган олтин авлодсиз, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистон ёшлари бахтли авлод вакиллари. Нега деганда, сўнгги йиллардаги изчил ишларлар туфайли ёшларимиз ҳар жабҳада ўзини намоян этмоқда.

Юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлар. Бу катта куч, шу билан бирга, улкан имконият ва салоҳият ҳам. Яъни уларга қанча кўп эътибор қаратилса, мамлакат шунчалик қудратли бўлиб бораверади.

Ёшларимиз эришяётган, қўлга киритаётган ютуқлар сони ҳам, кўлами ҳам кенг. Шу маънода, бугунги кунда ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишига қўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб қолган. Ўшундан келиб чиқаётган ишларот деяр баҳоласак тўғри бўлади. Биргина “Илим — тарбия — инновация” занжирини яратилиши қанча-қанча ёшларнинг орзу-мақсадлари рўйбга чиқишига мустаҳкам пойдевор яратди. Буни давлатимиз раҳбари ҳам қайд этиб, ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллагани, билимли ёшлар илк бор ТОП-5 таликдаги олийгоҳларга кириб, тарихий натижани қўлга киритганини алоҳида тилга олди. Натижада бугунги кунда Ўзбекистонда 30 нафар ёш йигит-қиз дунёнинг ТОП-10 талик олийгоҳида, 500 нафари ТОП-100 ва 1500 нафари ТОП-300 дан жой олган нуфузли университетларда таҳсил олмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшашли кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилди. “Янги Ўзбекистон” говис моҳиятини ўзида муҳасам этган бу тизимда ёшлар билан боғлиқ бирор масала йўқми, эътибордан четда қолган бўлса. Президентимизнинг ўзи, қолаверса, вазиру ҳокимдан тортиб маҳалла раисига — ҳаммаининг иши ёшлар билан боғлиқ. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки ёшлар ватанамиз истиқболли. Келажакка эса бугунги ҳаракатлар орқали замин яратилади.

Бундан ташқари, ўтган йили 150 мингдан зиёд ёш халқаро тил сертификатларини қўлга киритган. Бу аввалги йилдагига нисбатан 2 баробар кўп.

Айни пайтда юртимизда 15 мингга яқин ўқув ва 7,5 мингга касбга тайёрлаш маркази фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда улар фаолиятини ривожлантириш учун 100 дан ортиқ имтиёз ва енгиллик берилди.

“Таълим — келажак сармоси” эзгу говис оммавий ҳаракатга айланмоқда. Илим истигадиги ёшлар ана шу гов атрофида бирлашиб, мақсадларини амалга оширишга интиломоқда. Хусусан, уларнинг нуфузли хорижий олийгоҳларда ўқиш имкониятини ошириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолияти такомиллаштирилди. Пировардида ТОП-300 даги олийгоҳга кирган ўғил-қизларнинг ўқиш ва яшаш харажатини қоплаш тизими янги тартибда ишлайдиган бўлди.



“БУ ОДДИЙ ГАП ЁКИ ОДДИЙ МУКОФОТ ЭМАС, ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, САБР-ҚАНОАТНИНГ ЯНА БИР ҲАҚҚОНИЙ БАҲОСИ. БУ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ, ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН ЭКАНИНИНГ ЯНА БИР ИСОБИ БЎЛДИ. БАЛКИ ШУ БОИС МАЗКУР ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАНИНГ ҚИСҚА ВИДЕОСИ МАРОСИМ ТУГАМАСИДАНОҚ ИНТЕРНЕТДА, ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ЖУДА ТЕЗ ТАРҚАЛДИ. АДОГИ ЙЎҚ МУНОСАБАТЛАР, БИЛДИРИЛАЁТГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРНИ-КУ, АЙТМАЙ ҚЎЯВЕРАЙ...”

Эътиборга молик яна бир жиҳат: мамлакатимиздаги ёшларга оид сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олди. Ёшлар тараққиёт индексида эса энг тез ривожланаётган давлат сифатида қайд этилди. Бухоро Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент МДҲ ёшлари пойтахти мақомини олди.

Сўнгги етти йилда бошқарув кадрлари таркиби анча ёшариб, 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ошгани ҳам Ўзбекистонда ёшларга эътибор қанчалик

самара бераётганига яна бир мисол бўлади. Бу рақам ва кўрсаткичлар кўлами янада кенгайиши аниқ. Негаки юқорида келтирганимиздек, ёшларнинг илм олишига яратилаётган шарт-шароит ва қўлайликлар самараси узоқ куттирмаслиги турган гап.

Иккинчи ҳолат. Тантанали маросим давомидаги бир воқеа ҳаммамнинг кўнглидан жой олди. Давлатимиз раҳбари бир гуруҳ ёшларни тақдирлаш чоғида Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпиони Фотиما Саиповага уй совға қилинишини айтиб, шу ернинг ўзида Тошкент вилояти ҳокимиға зарур топшириқ берди.



Бу оддий гап ёки оддий мукофот эмас, жасорат, матонат, сабр-қаноатнинг яна бир ҳаққоний баҳоси. Бу янги Ўзбекистонда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, инсон қадри ҳар нарсадан устун эканининг яна бир исботи бўлди. Балки шу боис мазкур ҳаяжонли лаҳзанин қисқа видеоси маросим тугамасиданоқ интернетда, ижтимоий тармоқларда жуда тез тарқалди. Адоғи йўқ муносабатлар, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни-ку, айтмай қўяверай...

Менимча, янги Ўзбекистонда ёшларга, хусусан, имконияти чекланганларга қанчалик эътибор берилади, умуман, юртингизда инсон қадри қанчалик улуғланади, дея савол берувчиларга ана шу бир лаҳзада кадрлар кўрсатишса кифоя. Кадр бир лаҳза, лекин ундаги ҳолат бир умрлик.

Ҳа. Биз ана шундай — фарзандларини ташлаб қўймайдиган, камчилигини тўлдирадиган, ютуғидан ўзларидан кўра ўн қарра, юз қарра қувонадиган, уни баралла айтиб, дунёга жар соладиган халқимиз.

Ёшларимиз ҳам шунга мос, интилувчан, ғайратли. Айниқса, спорт соҳасида ҳали бир ғалабаси таъсиридан чиқмасимиздан галдаги ютуқ қўлга киритилмоқда. Қайсидир мусобақада навбатдаги олтинлар қўлга киритилиши кетидан бошқа спорт туридан жаҳонда тенгсиз бўлишяпти.

Юртдошларимиз бошқа соҳаларда ҳам катта муваффақиятга эришмоқда. Масалан, ёшлар таълим-тарбиясида китобсеварлик, санъат ва маданиятнинг аҳамияти катта. Бу йўналишда мунтазам ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда иштирок этишни истовчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Чунки

ёшлар ўз тенгдошлари ютуқларини кўриб, уларга етиб олишга ҳаракат қилмоқда. Энди бундай орзули ёшлар сони янада ортади. Негаки бу каби танловларда ғолиб бўлганлар чекка-чекка ҳудудлардаги мактабларга бориб, чиқишлар қилади.

Танловнинг республика босқичи ғолибларига маданият ва санъат олийгоҳларига киришда имтиёз берилади. “Иқтидор” мактаб ансамбли танловининг вилоят босқичи ғолиблари болалар мусиқа ва санъат мактабларида бепул ўқитилади.

Хуллас, мисоллар кўп. Санасак, кўксимиз гуруру ва ифтихорға тўлиб, ватанпарварлик туйғувимз бўлиб кетаверади. Ватанпарвар, халқнинг, юртнинг сеувини инсон аслида шундай бўлади. Юртдошнинг кичкина бўлса-да ютуғидан хурсанд бўлиб кетаверади. Хурсандчилик сабабчиларини улуғлашдан, мадҳ этишдан чарчамайди.

Хулоса. Сўнгги йиллардаги ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимиздаги ёшларга оид сиёсат моҳияти фақат уларни қўллаб-қувватлашга қаратилмаганини тобора чуқур англай бошлаймиз. Бунинг замирида катта сиёсий ирода, машаққатли меҳнат, улкан ташаббус ва истиқболли гов мужассам. Бунинг ортида янги Ўзбекистон тараққиётини таъминловчи юксак марралар етибди. Президентимиз ушбу марраларни аниқ фақт ва далиллар билан батафсил асослаб берди.

Қайд этганимиздек, булар бошланиши. Ҳали қилнажак ишлар олдинда. Ёшларимизни янада юксак чўққилар кутиб турибди. Уни забт этиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилапти.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқи сўнгида яна бир зўр гавни айтди: “Сизларнинг ҳар бир ютуғингиз — бугун халқимизнинг ютуғидир. Азму шижоатингиз, соғлом дунёқарашингиз, бахту иқболингиз — миллионлаб ота-оналар, устоз-мураббийлар, ақилларингизнинг ҳам бахту саодатидир”.

Дарҳақиқат, ёшларимиз эришяётган ютуқлар барчамизники. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Янги Ўзбекистонда яратилаётган шарт-шароит, имконият, салоҳият бизга ана шундай ёқимли туйғуларни тақдим этмоқда.

“

Дил изҳори

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ЎЗ НАТИЖАСИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА. БАРЧА СОҲАЛАРДА ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА ҲАМ УЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТ, ИМКОНИЯТЛАРНИ КЎРИШ МУМКИН. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАР БИР ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСИНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА.

УНУТИЛМАС ВОҚЕА БЎЛДИ



Наримон СОБИРОВ,
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг эндоскопия бўлими шифокор-эндоскописти, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби:

— Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари қўлидан “Келажак бунёдкори” медалини олиш nasib қилганидан беҳад хурсандман. Тиббиётга ҳам алоҳида эътибор

қаратилаётгани, шу соҳада фаолият юритиб келаётган биз каби ёшлар эътибордан четда эмаслиги фахр уйғотади.

Қорақалпоғистон тиббиёт институтини тамомлаганман. Ҳозир Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида фаолият олиб бораётман. Марказимизда энг мураккаб жараҳлик амалиётлари бажарилади. Тиббий диагностика ва даволашнинг илгори, самарали усуллари кенг татбиқ этилмоқда. Энг мураккаб ва юқори технологик операциялар туфайли оғир хасталиклардан азият чекаётган юртдошларимиз шифо топаётир. Улар илгари кўп вақт ва маблаг эвазига хориждаги клиникаларга бориши керак бўларди. Ҳозир буйрак, жигар трансплантациялари ўзимизда амалга ошириляпти.

Охириги йилларда мутахассисларимиз нафақат пойтахтда, вилоят ёки туман марказларида, балки энг чекка ҳудудларга ҳам бориб шундай жараҳлик амалиётини ўтказиб келмоқда.

Қорақалпоғистоннинг энг чекка тумани Қўнғиротдаги илк бор буйрак трансплантациясини бажардик. Бир қанча мураккаб, юқори технологик операцияларни ўтказишга муваффақ бўлдик. Олдинлари таҳлил олиш учун ҳам организмни кесиб керак бўлса, ҳозир эндоскопик усулда бажаряймиз.

Меҳнатларимиз муносиб эътироф этилганидан жуда мамнуним. Рағбат бор жойда ўсиш бўлади. Келгусида янги ютуқлар билан ушбу мукофотга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

ИНТИЛГАН
МАҚСАДИГА ЕТАДИ



Феруз ҲАКИМОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-босқич магистратини, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби:

— Мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ўз натижасини намоян этмоқда. Барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар замирида ҳам улар учун яратилган шарт-шароит, имкониятларни кўриш мумкин. Йигит-

қизларнинг ҳар бир тақлиф ва ташаббусини давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватламоқда. Ёшларга берилаётган имтиёزلарга хорижий тенгдошларим ҳавас қилганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Шу жумладан, ўзимнинг ҳам “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланишим чин маънода ҳавас қилса арзигulik воқеа бўлди.

Ҳозирги кунда таълим соҳасидаги замонавий тенденциялар жуда тез ривожланмоқда ва турли йўналишларда ўзгаришлар кузатиляптир. Танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш, жамоада ишлаш, коммуникация ва бошқарув кўникмаларига катта эътибор қаратиш зарурати бор. Фақат билим бериш эмас, балки ҳаётда муваффақиятли бўлиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш устувор аҳамият касб этаётир.

Таълим йўналишида илмий иш олиб бора-яман. 60 га яқин мақола маҳаллий ва хорижий нуфузли нашрларида чоп этилган. 3 та ўқув қўланма нашрдан чиққан. Қўланма таълимда солиқ тизимининг назарий ва амалий аҳамиятини таҳлил қилган ҳолда уни оптимallasштириш, маъжуд муаммоларга ечим ишлаб чиқишга бағишланган. Ривожланган давлатлардаги солиқ механизмларини мамлакатимизда қўллаш бўйича қарашларим, тушунчаларимни ҳам киритдим.

10 га яқин халқаро олимпиадалар ғолиби, бир неча грантлар соҳибиман. Мукофотга лойиқ кўрилишда ана шу кичик меҳнатларим инобатда олинди.

ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАНИ
ФАҚАТ ЎҚИШ



Азиза ИМОМХЎЖАЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби директори:

— Куни кеча давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувини кузатар эканман, улар учун яратилаётган имконият ва имтиёзларни кўриб, ростки, ҳавасим келди. Биргина мисол, яқинда Беруний номидаги халқаро мактаб фаолияти йўлга қўйилди. Дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртиларига иқтидорли болаларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ушбу халқаро мактабга бу йилги 8-синф биттирувчилари орасидан 60 нафар ўқувчи саралаб олинади ва 3 та йўналишда ўқитиляпти. Келгусида ўқув ўринлари қаррасига қўйиляпти. Умуман, миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи селекция қилиниб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланиши болаларимиз келажакка қаратилган катта эътибордан дарак. Шундан камда 300 нафари эътижаманд оила фарзандлари бўлиши кўзда тутилган.

Яқинда “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолияти такомиллаштирилди. Энди

ТОП-300 талик олийгоҳга кирганлар учун ўқиш ва яшаш харажатини қоплаш тизими янги тартибда ишлай бошлайди.

Ёшлар билан учрашувда давлатимиз раҳбари: “Ешиқда олинган билим — тошга ўйилган нақш, келажак учун пойдевор дегани. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, ҳаётингиз, бахтингиз биносини шунчалик муҳташам бўлади”, дея таъкидлади.

Ана шундай салоҳиятли ўғил-қизларга таълим беришга ихтисослаштирилган мактабимиз миллий адабиётда романчилик мактабининг асосчиси, жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили Абдулла Қодирий хотирасини абадийлаштириш ва ижодини ёززоллаш, шунингдек, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини, унинг ютуқларидан фахрланиш ҳиссини ва аждодларимизнинг маънавий меросига бўлган ҳурматни тарбиялаш мақсадида ташкил этилган.

Ижод мактаби нафақат она тили ва адабиётни чуқур ўрганишга қаратилган, балки ўқувчиларга инглиз тили, тарих, шунингдек, барча умумтаълим фанларини чуқурроқ ўзлаштириш имкониятини ҳам беради. Эски ўзбек ёзувиға асосланган матншунослик ва нотклик санъати каби махсус фанларга алоҳида эътибор қаратилляпти. Берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўқувчиларимиз таълим ва хорижий тилларни ўрганишда салмоқли ютуқларга эришмоқда. Сўнгги йилларда мактаб биттирувчиларининг 80 фоизи инглиз тили бўйича миллий ва халқаро сертификатларни муваффақиятли қўлга киритди. Ижод мактабимизнинг юқори рейтингига бунга мисол бўла олади.

Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари нафақат юртимиз олийгоҳларида, балки Туркия, АҚШ, Австрия ва Хитой каби ривожланган давлатларда ҳам таълим олишда давом этмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА НАФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРАДИ, БАЛКИ ТАННАРХНИ ҲАМ ПАСАЙТИРАДИ

Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик КМК” АЖ бошқаруви раиси



Жорий йил 23 июнда Президентимиз йирик саноат корхоналарини “яшил” энергия билан таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди. Тақдимотда бу йил мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳалар ва яқин келажақдаги режалар ҳақида ахборот берилди. Улардан асосий мақсад генерация, модернизация ва энергия самарадорлигини таъминлашдир. Хусусан, республика бўйлаб йил якунигача 12 та қуёш ва 4 та шамол электр станцияси,

12 та энергия сақлаш тизими ишга туширилиши қайд этилди. Уларга жами 5 миллиард доллардан зиёд инвестиция сарфланиб, салкам 9 миллиард киловатт-соат қувватга эга бўлиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан энергияни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш, айниқса, йирик саноат корхоналарида энергия самарадор ускуналар ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Йилгилишда электр истеъмоли юқори 18 та тармоқни ўзини ўзи энергия билан таъминлайдиган тизимга ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилиниб, ижтимоий муассасаларда қуёш энергиясидан фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Мазкур йилгилишда Олмалик кон-металлургия комбинатида ҳам кечиктириб бўлмас қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда комбинат йилга 3 миллиард киловатт-соат электр энергияси истеъмо қилади. 2030 йилга бориб янги ишлаб

чиқариш қувватлари ишга туширилишини ҳисобга олганда, бу кўрсаткич 7,6 миллиард киловатт-соатга етади.

Бу ўсиш қайси манбалар ҳисобидан қопланади? Президентимиз 2026 йилга бориб “яшил” энергетика ҳисобига энергия истеъмолининг қанча қисми таъминланишини таҳлилий тарзда ҳисоб-китоб қилиш бўйича топширик берди. Ушбу мақсадларда комбинатда 12 та корхонанинг энергоаудити якунланди ва 5 тасида жадал олиб боришмоқда. Бунда энергоаудит чора-тадбирлари эвазига йилга 100 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаб қилиш имконияти аниқланди.

Бундан ташқари, Оҳангарон туманида 150 МВт қувватга эга қуёш фотозлектр станцияси ва 75 МВт қувватга эга электр

энергиясини сақлаш тизimini қуриш лойиҳаси амалга оширилади. Президентимиз ушбу лойиҳани жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон географик жойлашуви бўйича қуёш нурланишининг юқори даражасига эга. 300 дан ортиқ қуёшли кун уни самарали ишлатиш учун ажойиб имконият. Иқтисодиёт ривожланаётгани ва аҳоли сони ортиши билан энергияга талаб ҳам ошиб бормоқда. Шунинг учун аънавий энергия манбалари билан бирга қуёш энергиясини кенроқ жалб қилиш зарур. Қуёш энергияси тоза ва атроф-муҳитга зарарсиз энергия манбаи бўлиб, Ўзбекистонда экологияни яхшилаш ва иссиқхона газлари ажралиб чиқишини камайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Ишлаб чиқариш таннархини тушириш, маънан эскирган технологик ускуналарни энергиятежамкор замонавийларига алмаштириш, технологик ишлаб чиқариш жараёнига

“яшил” энергетикани жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кўпроқ фойдаланиш, айниқса, қуёш фотозлектр станциялари ўрнатишни янада кўпайтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Комбинатимизда 2025 йилда ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинган эди. Жумладан, бу йил қўрилган чора-тадбирлар натижасида 140,7 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Жорий йилнинг январь-май ҳолатига ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш ҳисобига 17 миллион киловатт-соат, ишлаб чиқариш технологиясини модернизация ва реконструкция қилиш эвазига 21 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қи-

линди. Бунда частота роллаш қурилмалари орқали бошқариш, маъдан ташишда транспорт-логистика схемалари ва қурилмаларини ўзгартириш орқали электр энергияси истеъмолини камайтириш, энергиятежамкор насос агрегатлар ўрнатиш каби чора-тадбирлар қўрилди. Шунингдек, ЭКТ-15 русумли экскаваторларнинг ускуналарини янгиллаш ва таъминот схемаларини ўзгартириш ҳисобига режасиз ўтхаш ҳолатлари камайтирилди.

Мис эритиш заводида 7 та тежамкор компрессор алмаштирилиши ҳисобига йилга 2 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинмоқда.

Комбинат бўйича 2026 йилда 4,3 миллиард киловатт-соат, 2030 йилда 7,6 миллиард киловатт-соат электр энергияси истеъмоли

қўзда тутилган. Поп, Хонобод, Оҳангарон ва Бўқа қуёш фотозлектр станциялари ҳамда Шоуксин ва Фориш шамол электр станциялари ишга туширилиши эвазига 2025 йилда 1,2 миллиард киловатт-соат, 2030 йилда 7,6 миллиард киловатт-соат “яшил” энергия истеъмоли қилинади.

Шунингдек, комбинат объектларида ўрнатилган жами 9 МВт қувватли қуёш панеллари орқали йилга 10 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Янги қуриллаётган 2-мис эритиш заводида бугунги турбинаси ўрнатилиши ҳисобига қўшимча 64 миллион киловатт-соат энергия олинади.

“Яшил” энергетикага ўтиш борасидаги ишлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ҳам тушиб боради. Бу асосий маҳсулотимиз бўлган мис таннархи тушишида ҳам сезилади. Шунингдек, “яшил” энергетикага ўтиш натижасида конларда маъдан қазиб олишда, мис бойитиш фабрикасида бойитишда ҳамда мис эритиш заводида мис катоди ишлаб чиқариш жараёнида электр энергияси сарфи йилдан йилга камайиб борапти.

Мазкур соҳадаги ишларимиз бардавонлик касб этиб, иккиламчи энергия ресурсларидан электр энергияси ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Хусусан, 10 та турбоузматга ўрнатилиши эвазига суткасига 24 минг, йилга 7,9 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинади. Шунингдек, 5 та буғ генератори ўрнатилиб, йилга 1,5 миллион киловатт-соат тежалди.

Олмалик кон-металлургия комбинати ишчи-ходимлари хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиш мақсадида алоҳида тизим ҳам яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ушбу топшириқларни бажариш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлашга, яшаш шароитини яхшилашга эришамиз. Шу боис, комбинат барча куч ва ресурсларни ишга солган ҳолда “яшил” энергетикага ўтиш ишларини янада жадаллаштириш ҳаракатида.

Давлат дастури амалда



ОЛИС МАҚАЛЛАЛАРГА СУВ БИЛАН БАРАКА ҚАЙТДИ

Бугунги ислохотлар халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, одамларни ҳаётидан рози қилишга қаратилган. Сурхондарёликлар ҳам сўнгги йилларда ушбу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасини кўряпти. Улар билан суҳбатлашиб, дил сўзларига қулоқ тутсангиз, бунга амин бўласиз.

— Ўзгаришлар ҳақида маҳалламиз мисолида айтсак, йўллар қайта қурилди, замонавий мактаб ва тиббиёт муассасаси бунёд этилди. Сув билан таъминландик, — дейди Шўрчи туманидаги “Жойилма” МФЙ раиси Нурбек Ҳайитов. — Мутасадди раҳбарлар ва фаоллар ташаббуси билан маҳалламиздаги муаммолар босқичма-босқич ижобий ҳал этилмоқда. Фуқаролар иштирокидаги ўзгаришлар ҳаммамизни қувонтирмоқда. Айни вақтда маҳалламизнинг “Ан-ҳор” кўчасида асфальт ётқизилляпти. Бундан ташқари, “Пахтакор”, “Истиқлол”, “Бунёдкор”, “Фаровон” кўчалари ҳам босқичма-босқич асфальтланади.

Одамлар ҳаёти, жамият ва иқтисодиёт ривожига, шубҳасиз, ички йўлларнинг ҳолати, сифати муҳим аҳамиятга эга. Чунки йўлларнинг қай даражада экани кишилар кайфиятига, ишлар унумига таъсир қилади. Кейинги йилларда Шўрчи туманининг ҳам ички йўлларини таъмирлаш, ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойилма маҳалласида йўл қурилишидан ташқари аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди. Оқар сув таъминоти ҳам ахшиланди. Бунинг учун маҳалламиз 3 та массивда артезиан қудуги қазилди. Қудуқлар ёнида ўрнатилган қуёш панели орқали сув чиқариш насоси электр энергияси билан таъминланди.

Жойилмалик Шўхрат Эсанов ҳудуддаги фойдаланилмай ётган майдонни 30 йил муддатга ижарага олган эди. Табиийки, у деҳқончилик қилиб, даромад топишни кўнглига тукканди.

— Ер олгач, сув муаммосига дуч келдик. Ўтган йили сувсизликдан экинимиз нобуд бўлди. Бу йил эса масаланинг ечими топилиб, Артезиан қудуқлари фойдаланишга топширилгани яхшигина даромад олишимизга сабаб бўлмоқда, — дейди Шўхрат Эсанов. Қисқа фурсатда мазкур манзил обод қилинди. Бунда аҳоли учун зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларидан тортиб, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа иншоотларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бундай янгиланишларни биз, кексалар бир умр орзу қилганмиз, — дейди жойилмалик меҳнат фахрийси Нурали Мўминов. — Масалан, маҳалламиздаги “Ёшлик” кўчасида яшайдиган аҳоли шу кунга қадар ичимлик сувдан қийналарди. Лекин 1750 метр масофага қувур тортилгач, бугун ушбу кўчадаги хонадонларга ҳам тоза сув кириб борди.

Дарвоқе, Жойилма маҳалласидаги 41-мактаб учун янги 480 ўринли бино қуриб берилди. Бундан ташқари, “Қораарик” массивида қиймати 7 миллиард 551 миллион сўмлик лойиҳа асосида богча барпо этилди.



— Драйвери асосан деҳқончилик ва чорвачилик бўлган маҳалламиздаги қай бир хонадонга қирманг, бир парча бўлса ҳам бўлиш турган ерни кўрмайсиз. Кимдир очик майдонда, бошқа бирови иссиқхона шариотида деҳқончилик қилмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Асадулла Ҳасанов. — Яратилган имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари очётган тадбиркорлар кўп.

Ушбу маҳаллада яшайдиган Ўғиллой Давлаевани кўнчилиқ моҳир томорқачи деб билади. У бир неча йилдан бери иссиқхонада бўлгор қалампирни етатириб, яхшигина даромад олиш мумкинлигини исботлаб келмоқда.

— Биз, деҳқонлар фақат экин экиб, йиғиш билан чекланмаймиз. Бозорга тўғри вақтда чиқиб, маҳсулотни тўғри сақлаш технологияларидан фойдаланиш ҳам жуда муҳим, — дейди Ўғиллой Давлаев. — Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб, рўзгор кам-кўстини бемалол қоплаётимиз. Дастлаб томорқадан қўзланган ҳосилни олиш учун биюгумс тайёрладик. Ер қўчат экишга шай бўлгач, бўлгор қалампирининг махсус навини ўтқаздик. Бу нав маҳаллий иқлимга, турли касалликларга чидамли.

Сурхондарёнинг қўшини давлатга чегарадош яна бир ҳудуди — Ўзун туманида “Қамбагалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича бешта оғир маҳалла танлаб олинган. Уларга республика,

вилоят ҳамда туман миқёсидаги ташкilotлар раҳбарлари бириктирилган. Мазкур манзилларда бунёдкорлик ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳа ҳамда ишлар жадал бажарилмоқда.

Масалан, тумандаги Истиқлол маҳалласида 3 та артезиан қудуги қазилди. Қолаверса, учта трансформатор ўрнатилди ҳамда электр сим тармоғи тортилди. Ариқлар қазилиб, бетонланди. Натижада 690 та хонадон оқар сув билан таъминланди. Бу ўз ўрнида аҳоли даромадининг сезиларли ўсишига олиб келди.

Қамбагалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини оширишда томорқа маданиятини ривожлантириш асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Истиқлол маҳалласи аҳлини йиллар давомида қўйнаб келётган муаммолардан бири томорқа сугориш эди. Дастур асосида 3 та артезиан қудуги қазилгани фуқароларнинг томорқасидан бир йилда уч марта ҳосил олишига замин яратди, — дейди ҳоким ёрдамчиси Элмурод Йўлдошев.

Тумандаги Кичик Жончекка маҳалласида шу йилнинг ўзида 1,7 километр ариқ қазилиб, бетонланди. Шунингдек, 25 та бетон симёғор ҳамда трансформатор ўрнатилди. Артезиан қудугини қазиб ишлари якунига етказилди. Бу билан маҳалладаги 120 та хонадон оқар сув билан таъминланди.

Бундан ташқари, маҳалла аҳолиси йиллар давомида томорқани сугориш муаммосидан қўйналаётган эди. Ушбу муаммо ҳам маҳаллага бириктирилган ташкilot раҳбарлари томонидан ҳал этилди. Ариқлар бетонланди, артезиан қудугидан сув чиқарилди. Энди фуқаролар томорқасидан йил мобайнида уч мартагача ҳосил олиши мумкин.

Ўзун туманидаги Серҳаракат маҳалласида бир вақтлар каттагина узумзор бўлган. Чорак аср давомида ерининг асл эгасини топшидаги муаммолар ортидан бу жой ташландиқ ҳолатга келиб қолган. Бир муддат қаровсиз қолган ушбу майдонда ҳам яқин кунларда янги бог барпо этилади. Шу мақсадда маҳаллада сув иншооти қурилиб, насос ўрнатилди. Натижада 150 хонадон томорқасини сугориш имконига эга бўлди.

— “Қамбагалликдан фаровонлик сари” дастурига белгилаб берилган вазифалар ижросини энг чекла ҳудудларда ҳам таъминлаш биз, масъулларнинг асосий вазифасига, виждон ишига айланиб борапти, — дейди “Серҳаракат” МФЙ раиси Сафарали Нуров. — Бир неча йилдан кейин маҳалламизга ҳам обихаёт қайтиб, фуқаролар орзуси ушладди.

Инсон қадри — амалий ҳаракат, ҳақиқий ўзгариш, қалбдан чиққан эҳтиром экани ўз исботини топиб бормоқда. Бугун юртининг энг чекка туманларидаги бу каби янгиланишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Халқни рози қилиш учун бор имконият ва салоҳият ишга солинаётёр.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИСЛОХОТЛАРДАН КУЧ, ИШОНЧ ОЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ

Кейинги йилларда аёлларимизнинг ҳаёт тарзи, иш амалларида ўзига хос ўзгариш, ривожланишлар бўй кўрсатаётир. Бугун уй бекалари тадбиркор, ишбилармон, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг фаол аъзосига айланди. Бу ўз-ўзидан амалга оширилаётгани йўқ, албатта.



Бугуннинг гапи

Мамлакатимизда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфатларининг ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш йўлидаги ислохотлар ҳар бир оиллага кириб борди. Энди чекка қишлоқларда ҳам юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариб, оиласи, ҳамқишлоқлари корига яраётган ташаббускор аёллар сафи кўн сайин кўпайиб бормоқда.

Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2022-2025 йиллар давомида “Қишлоқ аёлларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси бу борада янги имконият эҳсонларини очди. Лойиҳанинг самарали бўлиши Жашон банки ҳамда Япония ижтимоий тараққиёт жамағатларининг молиявий кўмаги қўл келди.

Фаргона вилоятидаги “Меҳржон” аёллар ва болалар маркази томонидан шу кунга қадар Сўх, Фурқат, Езёвон ва Қўштепа туманларидаги 28 та маҳаллада “Аёллар дафтар”и қиритилган 500 га яқин хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда аёллар фаровонлигини оширувчи 90 та гуруҳ ташкил этилди. Лойиҳа доирасида жалб қилинган 4 нафар бизнес тренер кўмагида ишлаб чиқилган режалар асосида Давлат хизматлари маркази орқали 90 та МЧЖ рўйхатдан ўтказилди. Шу асосда 456 дан зиёд аёлнинг бандлиги таъминланди.

Жойларда ўз қизиқишлари, яшаш ҳудуди географик жойлашуви, атроф-муҳит, ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик йўналишларини инобатга олган ҳолда тиквечлик, чорва ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, асарчилик, фитнес клуб, миллий ширинликлар, нон ва нон маҳсулотлари, новвойлик, болалар учун қўнғилочлар дастурлар, макарон ишлаб чиқариш, аёллар пойабзали тикиш, миллий кўрпа-тўшмақлар тайёрлаш, пайпоқ тўқиш, қўзқорин етиштириш, оққанд, совун ишлаб чиқариш каби йўналишларни қамраган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллион 730 минг долларни ташкил этади. Фаргона вилоятига 750 минг доллар ажратилган. Бундан қўзланган мақсад қишлоқлардаги оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларга психологик ва иқтисодий кўмак бериб, уларни қўллаб-қувватлашдир. Шу орқали улар иқтисодий фаол аёлга айлантирилди.

Лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилди. Айниқса, анклава ҳудуд бўлган Сўх туманида аёлларни ижтимоий фаоллаштириш осон кечгани йўқ. Ногиронлиги бор ёки ногирон фарзанд тарбиялаётган аёллар, шунингдек, психологик ёрдамга муҳтожларни гуруҳларга жалб қилиш, улар билан ишлаш, тадбиркор аёл сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор берилди.

2022 йили бошланиб, 2025 йилгача давом этган лойиҳа доирасида тумандаги Сариканда, Сарибозорча, Демирсад, Ленбор, Девайрон, Соҳибкор ва Себзор сингари маҳалларда жами 22 та МЧЖ ташкил этилди. Бу даврда Сўх туманига 2 миллиард 100 миллион сўмдан ортиқ грант маблағи жалб қилинди. Натижада чекка тумандаги 114 аёл доимий иш билан таъминланди.

Уйдан чиқмаган, ўзи мустақил пул топмаган, оилада ногиронлигидан ўзини айбдордек тутган ёки ногирон фарзанди билан банд бўлиб, руҳан толиққан аёлларнинг ҳаёт тарзи ўзгарди. Улар меҳнат жамоаларида ишлаб, оиласи корига яраётганидан мамнун.

Сўх туманидаги аёллар билан суҳбатлашиб, қўзларидаги қувончдан, эртанги кунга ишончдан хурсанд бўлдим. Бугун улар ижтимоий ҳимояга муҳтож эмас, улар тадбиркор. Мамлакатимиздаги ислохотлардан куч ва ишонч олган бу аёллар том маънода давримиз қаҳрамонларидир.

Гулчехра ЖўРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бу йўлда миллий адабиётимизни бошимиз узра байроқ каби ҳилпирайтиб боришимиз зарур. Чунки халқ ўзи тасаввур етолмаган маррага етолмайди. Халқнинг ўй-фикри, тасаввури эса унинг адабиётида яшайди.

6

2025 йил 2 июль, 134-сон

www.yuz.uz

f

yuz.uz

Албатта ўқинг!

Ҳамдардликни кўйлаган ғазал

(“Сўз латофати” китобидан)

Қардош озарбайжон халқининг оташнафас фарзанди Мухаммад Фузулий туркий ғазал услубини камолот чўққисига кўтарган буюк сиймолардан бири саналади. Унинг ғазаллари равон ва мусиқийлиги, ўйноқлиги билан, гўзал ташбеҳларга бойлиги билан кўнгилларни банд этади. Фузулий ўзбек халқи учун ҳам сеvimли ва қадрлидир. Бизнинг боболаримиз Фузулий байтларини ибтидоий мактабдан ёд олиб кўнгилга жо қилганлар. Лайли ва Мажнуннинг ўтли муҳаббатига маҳлиё бўлганлар, бир қанча ўтмиш шоирларимиз Фузулий оҳангида ўғуз лаҳжасида ғазаллар битганлар.

Ўзбек халқи бугунда ҳам Фузулийни астойдил севади, унинг ҳароратли мисраларини қўшиқ қилиб айтади. Қайси ўзбек мана бу сатрларни билмайди:

*Гул гўнчалигинда хор иландир,
Очилса бир ўза ёр иландир.
Аслинда чекар тикан азобин,
Фаслинда ҳақим олур гулобин.*

Ёки:

*Ноландандур най киби овозачи
ишқим баланд,
Нола таркин қилзаман
найтек кесилсам банд-банд.*

Ва ёки:

*Азал котиблари ушшоқ бахтин
қора ёзмишлар,
Бу мазмун ила хат ул сафҳаи
рухсора ёзмишлар.*

Фузулий ҳаво тўлқинлари орқали ҳар кун хо-

“

ҲАЗАЛ ЎЗИНИНГ СЎНГГИ ЮКСАК НУҚТАСИГА КЕЛДИ. ШОИР БАРЧА ҚИЛГАН РОЗИ ДИЛИ ШАРҲИГА ЯКУН ЯСАЙДИ: ОЛАМДА МУҲАББАТ ДЕБ АТАЛГАН БУЮК ВА ТЕНГСИЗ ҚУДРАТ БОР. У ҲАМ АЗОБ, ҲАМ ЛАЗЗАТ, ҲАМ ҚҲЙНОҚ, ҲАМ ҲУЗУР. ДУНЁГА КЕЛИБ ТИРИКЛИК САОДАТИГА МУШАРРАФ БЎЛГАН ЖОН, АГАР У МУҲАББАТ ОТАШИДА ЁНМАСА, МУҲАББАТ ЛАЗЗАТИНИ БИЛМАСА, У ОЛАМГА КЕЛМАДИ ҲИСОБ, ТИРИКЛИК БАХТИДАН БЕНАСИБ.

надонимиз меҳмони. Шоир нидоси асрлар оша бизнинг қалбларимизда акс садо топади.

*Шифои васл қадрин ҳажр ила
бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи
дийдор ўландан сўр.*

Шоирнинг мана шу ажойиб байт билан бошланувчи ғазали халқимиз орасида айниқса машҳур. Етук санъаткор ҳофизларимиз бу ғазалини жозибали куйга солганлар ва таъсирли ижро этганлар.

Фузулий бу ғазалда инсондаги олижаноб хислат, ҳамдардлик туйғусини тараннум этади. Дардмандга ким ҳамдард бўлиши мумкин? Фақат дардининг азобини билган одам! Бир дақиқалик висолнинг дардманд ошӣқ қалбига шифо бўлишини ёлғиз ҳижрон азобида бемор бўлган одам билади... Бу обихаётдек жонбахш завқ қадрини танҳо ёр дийдорига ташналик қийноғини тортган англайди. Шу боис ҳам:

*Лабинг сиррин келуб гуфтора
мандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани
бир сўфи асрор ўландан сўр.*

Яъни ёр лабининг сирларини, бу офати жон лаълларнинг қилмишини ошӣқдан ўзга, бу бололар жонига ётилган кимсадан ўзга ким билсин. Дунёда неки пинҳон сир бор, уни билмоқ бўлган одам воқифи асрордан — сирлар хабардори бўлган кимсадан сўрамоғи жоиздур.

Осмон узра сонсиз-саноқсиз юлдузларнинг сайри кимга аён? Албатта, кечаларни ғафлат уйқусига берилган бедард, парвосиз, ғами йўқларга эмас, балки тунги осмонга ҳасратли кўзларини тикиб тонгга қадар бедор ётганларга аёнду. Ва бинобарин, осмондаги юлдузларнинг оқишидек кўз ёшлари оққан, юрак бағри тунги осмондек тийра бўлганлар аҳволини гофил одамлар қаёқдан билсин?

*Кўзи ёшларинг ҳолин
на билсун мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб то
сахар бедор ўландан сўр.*



НУР БОР ЖОЙДА СОЯ БОР

ТАРБИЯДА СОБИТҚАДАМЛИК БУГУННИНГ ТАЛАБИДИР

Машҳур файласуф Альберт Швейцер: “Воқеликни шакллантирадиган кучлар ичида биринчиси — маънавият ва ахлоқ. Қолган барчаси озми-кўпми иккинчи даражлик”, деган эди. Бугунги кунда глобаллашув маънавият ва ахлоқ билан маънавий қашшоқлик ҳамда ахлоқсизлик ўртасидаги чегарани қай тарзда белгилаб бермоқда? Кеча ахлоқсизлик сифатида қайд этилган воқеликларнинг бугун ижтимоий ахлоқий меъёрлар сафига киритилаётгани инсоният тараққиёти йўналишини ўзгартирмаяптими?

Назаримда, глобаллашув ва у билан боғлиқ маданиятлар уйғунлашуви, қадриятлар интеграцияси ва демократик ниқоб остида маънавий чегаралар бузилиши юзга келаётган турли оқибатлари билан бугун инсоният олдида кўплаб долзарб саволларни қўймоқда.

Яқинда бир маълумотга кўзим тушиб қолди. 1981 йилда германиялик Марианна Бахмейер 7 ёшли қизининг умрига зомин бўлган жиноятчига нисбатан суднинг енгил жазо қўллаётганидан норози бўлиб, суд залининг ўзиде суммасидан қурол чиқаради ва жиноятчини отиб ташлайди. Албатта, у бу ҳаракати билан жамиятда белгиланган қонунларни жуда кўпол равишда бузди, лекин ўз ахлоқий тамойиллари асосида вужудга келган шахсий қадриятларидан келиб чиқиб, педофилга нисбатан ўз ҳукмини чиқарди ва уни амалга оширди. Аслида, унинг норозилигига сабаб мавжуд қонунлар эмас, балки инсон омили иштирокида шу қонунлардан жиноятчига имкон қадар енгил жазо тайинлаш чоралари кўриляётгани, жиноятини енгилаштиришга хизмат қиладиган қонун-қоидаларга ёндашилаётгани аёлнинг суд жараёнидан кескин норозилигини келтириб чиқарганди. Демак, жамиятда ҳуқуқлар, бурчлар, қоидалар тарзида белгиланган ва ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтиришга хизмат қиладиган тартиб-қоидалар, ахлоқий тамойиллар ва шахсий маънавий-ахлоқий қадриятлар ўртасида тафовут катта бўлмаслигини ҳисобга олиш лозим.

Уммон томчилардан тўллангани каби жамиятда ҳар бир шахс ахлоқий ўз ижтимоий таъсирини намоеъ этишини унутмаслик лозим. Гарчи қўпол кўринса-да, халқимизда “бир ёмон бузюкнинг бутун подани булғаш” тўғрисидаги нақл бекчаси яшаб келмаяпти. Ҳатто алоҳида, битта инсонга тегишли ахлоқ ҳам жамиятнинг ичида амал қилиб, ижтимоий жараёнларда иштирок этиб, ижтимоий ахлоқ мақомини олади. Инсон ижтимоийлашиб, шак сифатида ижтимоий муҳитдаги алоқа ва муносабатларини амалга



Шахло АХРОРОВА, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

жиноий тўдага кириб кетиши ёки бошқа ахлоқсизликка йўл қўйиб, уни ўзи учун тўғри дея қабул қилиши мумкин. Шунингдек, ахлоқий дилемма ҳам шахсда ижтимоий қадриятлар шаклланишига таъсир кўрсатади. Ахлоқий дилемма деганда, икки муқобил ечим ўртасидаги зиддият тушунилади. Бу зиддият шундан иборатки, киши улардан бирини танлашга мажбур, бироқ ҳар иккисиде ҳам қайсидир ахлоқий тамойил бузилишига йўл қўяди. Айтايлик, ўқувчи синфда керакли бўлган бирор ўқув қуролини синдириб қўйди. Буни яқин дўстга кўрсатиб ўқитувчи келиб, дўстидан бу қуролини ким синдирганини айтишни талаб қилди. Ўқувчининг олдида икки йўл турбди: биринчиси — ўқитувчисини алдамаслик, бироқ дўстини сотиш.



“**Жамият тараққиётида ижтимоий ахлоқ муҳим ўрин тутади. Ахлоқнинг диний омиллар билан муносабатларини ҳам унутмаслик лозим. Шу ўринда таъкидламоқчимизки, бугунги кун фарзандларининг ахлоқий баркамоллигини шакллантиришда миллий омиллар уйғунлигини эътиборга олмақ муҳим масаладир. Зеро, ахлоқий тамойиллар инсонда болалиқдан шаклланади.**”

оширади. Бунинг оқибатида ҳар бир жамиятда шахс ва гуруҳлар таъсирида ўзига хос тарзда ижтимоий-ахлоқий муҳит яратилади. Айнан мана шу муҳитни заифлаштирадиган бир қанча муаммолар бор.

Буларнинг биринчиси анъанавий маънавий-ахлоқий қадриятлар емирилиб ёки таъсири камайиб боришидир. Гап шундаки, жамият, айниқса, унинг ёшлар қатлами замонавий маданият сари интилади ва шу орқали турли янги қадриятлар билан тўқнаш келади. Шунга яраша медиамаҳсулотлар яратилади ва жамият билан акс таъсирга киришади. Ёшлар ҳаётига оид қадриятлар тизимида салбий ҳолатлар ҳам муҳим ҳалқаларга айланиб, анъанавий маънавий-ахлоқий қадриятларини сиқиб чиқариши ёки уларни заифлаштириши мумкин.

Иккинчидан, жамият ижтимоий-ахлоқий қадриятлари билан шахснинг ҳусусий ахлоқий қадриятлари ўртасида тафовут келиб чиқиши ҳам муаммо саналади. Шахс ўз ахлоқий қадриятларини яратишда мавжуд ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда оила тарбиясида олганлари билангина чегараланиб қолмайди. Дуч келинган вазиятлар туфайли содир бўлган ёки ҳаёти давомида ўрганиб, ўзи учун ҳақиқатга айлантирган қадриятлари унинг фаолияти моҳиятини белгилайди. Жамиятда мавжуд қайсидир қонунлардан норозилик шу қонунларга қарши бўлган ўз ахлоқий ҳаракатларини амалга оширишга олиб келади. Масалан, ўсмир ёшдаги бола ҳаддан ташқари қаттиққўлликка исён тарзида қасдма-қасдига ичкилик ича бошлаши, чекиши,

Иккинчиси эса дўстига содиқлик, бироқ устозга ёлғон гапириш. Афсуски, замонавий ижтимоий-маданий омиллар бугунги кун ёшлари олдида бу каби кўплаб ахлоқий дилеммаларни қўяди.

Учинчидан, глобаллашув туфайли “оммавий маданият”нинг кириб келиши, маданий плюрализм ҳам мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитга кескин таъсирини кўрсатаётди. Бугунги кунда глобаллашувнинг улкан чангаллдан қутулиб қолиш ёки қайсидир воқеликни ажратиб олишининг имкони йўқ. Турли мамлакатлар, давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ёки сиёсий алоқа ва муносабатлар маданиятлар трансформациясига ҳам сабаб бўлади. Аслида, бу фақат глобаллашув даврасига хос эмас, бу даврда айна трансформация ва уйғунлашув жараёни кучайди, ҳолос. Буюк ипак йўли асрларида ҳам савдо қарвонлари орқали мамлакатларда маданиятлар алмашинуви юз бергани бизга тарихдан яхши маълум.

Маданиятлар ва ахлоқ қоидалари интеграциялашуви маънавий-ахлоқий маданиятда ҳам акс этади. Бу интеграциялашув ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ёт маданият ва ёт ахлоқ миллий-маънавий тарбия чегараларини бузиб

ҲАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Салим ДОНИЁРОВ

Эркин ВОҲИДОВ,

Ўзбекистон халқ шоири

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.

34972 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Жониев Алиханов

Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манизиним:

100060, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 22:15

Тошхирлид — 00:05

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05